

## СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ - ДАВР ТАЛАБИ

**Ш.Ж.Бердиев доц, Н.Туев, магистрант**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Маълумот ўрнида таъкидлаш керакки, 1992 йил декабр ойида БМТ Бош Ассамблеяси 22 мартни Бутунжаҳон сув ресурслари куни деб эълон қилди. Ҳар йили Бутунжаҳон сув кунига аталган алоҳида мавзу танлаш анъанаси давом этмоқда. Жумладан, 2000 йилда “Сув ресурслари XXI аср учун” мавзуси танланган. Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда дунё аҳолиси сони 7 миллиарддан ошди. Мутахассислар 2050 йилгача дунё аҳолиси сони яна 2 миллиардга кўпайиши мумкинлигини башорат қилишмоқда. Шу ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳар бир инсон кунига ўртача 4 литр ичимлик суви сарфлайди. Ичимлик сувидан ташқари суғориш учун ишлатиладиган сувлар тупроқ софлигини сақлашда катта роль ўйнайди.

Шўрланган тупроқлар, шўрхоқлар, шўртоблар асосан қуруқ иқлимли зоналарга тарқалган бўлиб, бугунги кунда ер шарининг 250 млн гектарини ташкил қилади. Шўрланган тупроқлар деб таркибида қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун зарарли бўлган, сувда осон эрувчи кўп миқдордаги тузли тупроқларга айтилади. Шўрланган тупроқлар асосан чўл ва бўз тупроқлар зонасида-дарёлар бўйидаги қуйи оқимларда ҳам учрайди. Шўрланган тупроқлар қишлоқ хўжалик экинларига таъсир қилиб ҳосилдорлик камаяди ва тупроқнинг сифати ёмонлашади. Шўрланган тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун биринчи навбатда суғориш сувларидан тўғри фойдаланишни, совур ва коллекторларнинг ишини яхшилашни, доимий сизот сувлари оқиб туришини таъминлашни талаб этади. Бугунги кунда Республикамиздаги мавжуд турли даражада шўрланган майдонлардан юқори ҳосил олиш учун асосан ерларнинг мелиоратив ҳолатига кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада жуда кўп илмий изланишлар олиб борилган ва бугун улар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Ана шундай илмий изланишлардан бири сувдан самарали фойдаланишдир.

Республикамиз ҳудудларида ўтказилиши режалаштирилаётган суғоришни ўз вақтида меъёр бўйича ўтказиш барча қишлоқ хўжалик экинларини бир меъёрда ўсишини таъминлайди. Масалан, ғўзани суғориш вақтини унинг ташқи кўринишига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Агар ғўза баргини ранги ўзгариб тўқ яшил тусга кирса, барглар ҳолати сусайиши, яъни куннинг энг иссиқ соатларида баргнинг асосий томири қирсиллаб синмаслиги суғориш лозимлигидан дарак беради.

Суғоришни ўтказиш вақтида эгат узунлигини асосан дала нишаблиги ва тупроқнинг сув шимиш хусусиятига қараб тўғри танлаш керак.

Даланинг бир текис намланиши ҳосилдорликни юқори бўлишини таъминлайди. Тупроқнинг бир текис намланиши учун асосан қуйидаги усуллардан фойдаланишни тавсия этамиз:

- аввал кўп сув бериб оқова чиққач сув камайтиради. Бу оқова сувлар миқдори 15-20 фоизгача камайтириш имконини беради;

- эгатларни оралатиб суғориш. Бу усулда умумий сув бериш миқдори 20-25 фоизгача камаяди;

- сувни эгатга ўзгарувчан оқимда юбориш орқали суғориш;

- маъсул сувчилар бириктирилиб суғоришни кечаю-кундуз олиб боришни ташкил этиш;

- шарбат усулида суғориш ва бошқалар.

Суғориш ишларини олиб боришга тупроқларни софлигини сақлашга коллектор-зовур сувларидан меъёр бўйича фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Сув танқислиги йилларида совур сувларидан қуйидаги ҳолларда суғоришга ишлатса бўлади:

- дарё сувлари етишмайдиган ва умуман бормайдиган ҳудудларда;

- енгил ва ўртача механик таркибли тупроқли ерларда;

- суғоришга тузлик даражаси 3 г/л гача бўлган зовур сувларини ишлатган маъқул;

- агар зовур сувларининг тузлик даражаси 3 г/л дан юқори бўлса уни дарё чучук суви билан аралаштириб ишлатиш керак.

Юқоридагиларга асосан республикамиз ҳудудида сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалик экинларини суғоришни тўғри ташкил қилиш учун қуйидагиларга асосий эътиборни қаратишни фермер хўжалик ходимларига тавсия этамиз

- ирригация тармоқлари ва улардаги гидротехника иншоотларининг, насос станциялари ва тик суғориш қудуқларининг доимий ишчи ҳолатида бўлишини таъминлаш;

- хар 1 л/с сувни назоратга олиш учун суғоришни фақат берилган талабнома бўйича ўтказишни ташкил этиш;

- хар бир фермер хўжалиги ерларида сув тақсимлаш тартибини йўлга қўйиш;

- суғоришда хар бир 5-6 л/с сув сарфига биттадан сувчини жалб этиш;

- сувни тежаб-тергаб сарфлаш учун эгилувчан полиэтилен қувурлардан самарали фойдаланиш, эгатларга қора полителин плёнкалар тўшаб суғоришни кенг қўллаш.

Сувчилар ва сув танқислигини юмшатишда фаол меҳнат қилаётган иштирокчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш лозим.

Юоридагиларга асосан хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сув танқислиги шароитида хар қатра сувни тежаб-тергаб сувдан самарали фойдаланиш тадбирларига риоя этсак сув танқислиги шароитларида ҳам юқори ҳосил олиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги НИЗОМ. Тошкент 2013 йил.

2. “Қашқадарё вилоятида коллектор-зовур сувларидан қайта фойдаланиш учун гидрокимёвий режимни баҳолаш ва мавсум давомида Қарши магистрал каналига қўшимча сув олиш имкониятлари бўйича кўп йиллик маълумотларни таҳлил қилиш асосида тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзуси бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг якуний ҳисоботи. Қарши. 2014 йил.